

VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига жами рўйхатга олинган юридик шахслар сони 33041 тани ташкил қилиб, шундан 26451 таси ёки 80,1 фоизи фаолият кўрсатмоқда ва 6590 таси ёки 19,9 фоизи фаолият кўрсатмаётганларни ташкил қилади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 15751 та (47,7 фоиз), савдо 4589 та (13,9 фоизи), саноат 2537 та (7,7 фоизи) ва қурилиш 2271 та (6,9 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

1 апрель ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича жами рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони, бирликда

	Рўйхатга олинганлар				Фаолият кўрсатаётганлар			
	2019 й.		2020 й.		2019 й.		2020 й.	
	сон	жамига нисбатан, %	сон	жамига нисбатан, %	сон	жамига нисбатан, %	сон	жамига нисбатан, %
Жами	30461	100,0	33041	100,0	25963	100,0	26451	100,0
<i>шу жумладан:</i>								
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	15345	50,4	15751	47,7	11203	43,2	9828	37,1
Саноат	2064	6,8	2537	7,7	2012	7,7	2444	9,2
Қурилиш	1950	6,4	2271	6,9	1918	7,4	2183	8,3
Савдо	3756	12,3	4589	13,9	3661	14,1	4397	16,6
Ташиш ва сақлаш	792	2,6	878	2,7	768	3,0	838	3,1

	Рўйхатга олинганлар				Фаолият кўрсатаётганлар			
	2019 й.		2020 й.		2019 й.		2020 й.	
	сон	жамига нисбатан, %	сон	жамига нисбатан, %	сон	жамига нисбатан, %	сон	жамига нисбатан, %

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	987	3,2	1223	3,7	964	3,7	1156	4,4
-------------------------------------	-----	-----	------	-----	-----	-----	------	-----

Ахборот ва алоқа	320	1,1	342	1,0	300	1,1	319	1,2
------------------	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	309	1,0	385	1,2	304	1,2	372	1,4
--	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----

Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	4938	16,2	5065	15,3	4833	18,6	4914	18,7
----------------------------------	------	------	------	------	------	------	------	------

Рўйхатдан ўтган юридик шахслар (деҳқон ва фермер хўжалиқларисиз)

2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига 19595 та корхоналар ва ташкилотлар рўйхатдан ўтган бўлиб, иқтисодий фаолият турлари бўйича 23,4 % савдо, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 11,8 %, саноатда 12,9 %, 11,6 % қурилиш, 6,2 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 4,5 % ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқада 1,7 % ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда 2,0 % дан ҳамда бошқа фаолият турларида 25,9 % дан тўғри келмоқда.

2020 йил январь-мартда жами 959 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 924 та). Уларнинг асосий қисми Нукус шаҳрида (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 27,1 фоизи), Тўрткўл (11,2 фоиз), Эллиқкаъла (7,8 фоиз), Нукус (7,1 фоиз), Амударё (5,7 фоиз) ва Беруний (6,8 фоиз) туманларига тўғри келди.

1 апрель ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони, бирликда (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)

	Рўйхатга олинганлар				Фаолият кўрсатаётганлар			
	2019 й.		2020 й.		2019 й.		2020 й.	
	сон	жамига нисбатан, %	сон	жамига нисбатан, %	сон	жамига нисбатан, %	сон	жамига нисбатан, %
Жами	17182	100,0	19595	100,0	16736	100,0	18813	100,0


шу жумладан:

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2066	12,0	2306	11,8	1976	11,8	2191	11,6
Саноат	2064	12,0	2537	12,9	2012	12,0	2444	13,0
Қурилиш	1950	11,3	2271	11,6	1918	11,4	2183	11,6
Савдо	3756	21,9	4588	23,4	3661	21,9	4396	23,4
Ташиш ва сақлаш	792	4,6	878	4,5	768	4,6	838	4,5
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	987	5,7	1223	6,2	964	5,8	1156	6,1
Ахборот ва алоқа	320	1,9	342	1,7	300	1,8	319	1,7
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	309	1,8	385	2,0	304	1,8	372	2,0
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	4938	28,8	5065	25,9	4833	28,9	4914	26,1


Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 19595 тани ташкил қилиб, шундан 18813 таси ёки 96,1 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

2020 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган тижорат ташкилотларининг сони 15982 тани ташкил этди. Рўйхатга олинган тижорат корхоналарнинг умумий сонидан 11206 таси масъулияти чекланган жамиятлар, 3277 таси хусусий корхоналар, 1185 таси оилавий корхоналар, 123 таси унитар корхоналар ва 27 таси акциядорлик жамиятлари ҳиссасига ҳамда 164 таси бошқа тижорат ташкилотлари ҳиссаларига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган тижорат корхоналари-юридик шахслар
ташкилий ҳуқуқий шакллари**
(умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)




**Рўйхатга олинган, янгидан ташкил этилган ва тугатилган
кичик корхона ва микрофирмалар сони, бирликда**
(фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз)



Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотлари бўйича, 2020 йил 1 апрель ҳолатига 15897 та кичик корхона ва микрофирмалар – юридик шахслар (фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз) рўйхатга олинган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,8 фоизга ошган. Шунингдек, 2020 йил январь-март ойларида жами 959 та субъект янгидан ташкил топган ҳамда 199 та субъект тугатилган ушбу кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан янгидан ташкил топганлар 27,9 фоизга камайган ҳамда тугатилган ташкилотлар 109,3 фоизни ташкил этди.

Рўйхатга олинган, янгидан ташкил этилган ва тугатилган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар сони, бирликда



2020 йил 1 апрель ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича корхоналар ва ташкилотлар сони, бирликда (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)

	<i>Рўйхатдан ўтган</i>	<i>Фаолият кўрсатаётган</i>	<i>Янги ташкил этилган</i>
Жами	19595	18813	959
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2306	2191	155
Саноат	2537	2444	187
Қурилиш	2271	2183	98
Савдо	4588	4396	304
Ташиш ва сақлаш	878	838	31
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1223	1156	56
Ахборот ва алоқа	342	319	17
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	385	372	19
Бошқа турлари	5065	4914	92

Худудлар бўйича рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони бўйича энг кўпи Нукус шаҳри (5993 та), Тўрткўл (2034 та), Беруний (1632 та), Амударё (1428 та) ва Эллиққалъа (1226 та) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Аксинча Тахтақўпир (362 та), Мўйноқ (464 та) ҳамда Шуманай (480 та) туманларида корхоналар сони камлигини кузатиш мумкин.


Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар

Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг сони 18813 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига солиштирилганда 2077 та (12,4 %) га ўсган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 23,4 % савдо, 13,0 % саноат, қурилиш ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 11,6 % дан, 6,1 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 4,5 % ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқада 1,7 %, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 2,0 % ва 26,1 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган юридик шахслар жамига улуши, %

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)



Ҳудудлар кесимида қаралганда, фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони энг кўпи Нукус шаҳри (5674 та), Тўрткўл (1936 та), Беруний (1579 та), Амударё (1355 та) ва Эллиққалъа (1214 та) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Аксинча Тахтакўпир (346 та), Мўйноқ (451 та) ҳамда Шуманай (468 та) туманларида корхоналар сони камлигини кузатиш мумкин.

**Худудлар кесимида фаолият юритаётган корхона
ва ташкилотлар сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)**




Янги ташкил этилган юридик шахслар

2020 йил январь-март ойларида 959 та корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилган бўлиб, бу кўрсаткич 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 372 тага камайган. Энг кўп янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар Нукус шаҳри (260 та), Тўрткўл (107 та), Эллиққалъа (75 та), Нукус (68 та) ва Беруний (65 та) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Аксинча Тахтакўпир (12 та), Қонликўл (18 та) ҳамда

Қораўзак (19 та) туманларида корхоналар ва ташкилотларни ташкил этиш кўрсаткичи паст даражани акс этган..

**Шаҳар ва туманлар бўйича янги ташкил этилган корхона
ва ташкилотларнинг сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз)**



Иқтисодий фаолият турлари кесимида, энг кўпи савдо (304 та), саноат (187 та), кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиги (155 та) ва қурилиш (98 та) соҳаларида ташкил этилган. Энг ками эса ахборот ва алоқа (17 та), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар (19 та) ҳамда ташиш ва сақлаш (31 та) фаолият турлари ҳиссасига тўғри келган.

Январь-март ойлари учун янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)


	2019 йил		2020 йил	
	корхона сони	улуши, %	корхона сони	улуши, %
Жами	1131	100,0	959	100,0
Саноат	244	18,3	187	19,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	114	8,6	155	16,2
Қурилиш	226	17,0	98	10,2
Савдо	511	38,4	304	31,7
Ташиш ва сақлаш	30	2,3	31	3,2
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	69	5,2	56	5,8
Ахборот ва алоқа	11	0,8	17	1,8
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш	14	1,1	19	2,0
Бошқа турлари	112	8,3	92	9,6

Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари кесимидаги сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)




2020 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 160 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 32 тага ёки 25,0 % га ўсган. Ушбу корхоналарнинг асосий қисми Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳиссаларига тўғри келади.

Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ҳамкор давлатлар кесимида сони, бирликда



Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 91 таси қўшма корхоналар, 69 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналар сони, бирликда



Худудлар кесимида, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Нукус шаҳри (35 та ёки жамидаги улуши 21,9 %), Мўйноқ тумани (25 та ёки 15,6 %) ва Тахиатош ҳамда Қораўзак туманларида (11 тадан ёки 6,9 %) ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокидаги корхоналар Хўжайли ва Тўрткўл (4 тадан ёки 2,5 %), Чимбой ва Шуманай туманлари (5 тадан 3,1%), ҳиссаларига тўғри келади.

Бу эса мазкур худудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвеститсиялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.

Агар фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрсак, энг кўп саноатда 79 та (49,4 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 40 та (25,0%) ҳамда савдода 21 та (13,1 %) ташкил қилган. Энг камлари эса яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда (3 тадан 1,9 %), ташиш ва сақлашда 2 тани (1,3 %), ташкил қилган.

Кўриниб турибдики фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса яшаш ва овқатланишда, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда ҳамда ташиш ва сақлаш фаолият турларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони, бирликда




Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар.

2020 йилнинг январь-март ойларида хорижий капитал иштирокидаги янги ташкил этилган корхоналарнинг сони 6 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 тага камайган.

Бунда, Хитой Халқ Республикаси - 4 та, Қозоғистон Республикаси ҳамда Россия Федерацияси - 1 тадан хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янгидан рўйхатдан ўтган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
хамкор давлатлар кесимида улуши,
жамига нисбатан фоиз ҳисобида**



Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (6 та), саноатда (10 та), савдо (8 та) соҳаси ҳиссаларига тўғри келади.

Январь-март ойларида янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, ўсиш динамикаси

	2019 йил		2020 йил	
	жами	умумий сонига нисбатан, %	жами	умумий сонига нисбатан, %
Жами	11	100,0	6	100,0
Савдо	5	45,4	-	-
Саноат	3	27,3	4	66,7
Қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалиги	3	27,3	2	33,3


Кичик корхона ва микрофирмалар сони.

2020 йил 1 апрель ҳолатига фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 15188 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2019 йил 1 апрель ҳолатига нисбатан 15,9 % га ошган. Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яни 4782 таси (31,5 %) Нукус шаҳри, 1689 таси (11,1 %) Тўрткўл, Бегуний 1297 таси (8,5 %) ҳамда 1062 таси (7,0 %) Амударё туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 15188 та кичик корхона ва микрофирмаларнинг 4381 таси (28,8 %) – савдо, 2416 таси (15,9 %) - саноат, 2135 таси (14,1 %) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 2172 таси (14,3 %) - қурилиш, 1152 таси (7,6 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳаси, 833 таси (5,5 %) - ташиш ва сақлаш, 281 таси (1,9 %) - ахборот ва алоқа соҳаси, 272 таси (1,8 %) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, шунингдек 1546 таси (10,1 %) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми савдо, саноат ҳамда қурилиш соҳаси фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ҳамда ахборот ва алоқа соҳаси фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича жамига улуши, %
жамига нисбатан фоиз ҳисобида**



2020 йил январь–март ойларида 924 та кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 356 тага камдир. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Нукус шаҳри (246 та), Тўрткўл (107 та), Амударё (55 та), Беруний (64 та) ва Хўжайли туманларида (47 та) ҳиссасига тўғри келади. Энг кам эса Қораўзак ҳамда Қонликўл (18 тадан) туманларида ташкил этилган.


Иқтисодий фаолият турлари кесимида эса энг кўпи савдода (304 та), саноатда (187 та), қурилишда (98 та) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (153 та) ташкил этилган. Энг кам эса ахборот ва алоқада (17 та) ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда (19 та) ташкил этилган.

Оилавий корхоналар сони


Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига 1185 тани ташкил этиб, улардан 1131 таси ёки 95,4 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сони ўртача 48,4 % га ошганлигини таъкидлаш лозим.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда уларнинг 23,3 % ёки 264 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 29,3 % ёки 331 таси саноат, 28,4 % ёки 321 таси савдо, 6,5 % ёки 74 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 2,0 % ёки 23 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 1,6 % ёки 18 таси ахборот ва алоқа, 0,9 % ёки 10 таси қурилиш, 0,5 % ёки 6 таси ташиш ва сақлаш ҳамда 7,5 % ёки 84 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фаолият кўрсатаётган ҳамда янгидан ташкил этилган оилавий корхоналар сони, бирликда



**Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича жамига улуши, %
жамига нисбатан фоиз ҳисобида**



Иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрсак, энг кўпи савдо, саноат ҳамда яшаш ва овқатланиш хизматларида, энг кам эса қурилиш, ташиш ва сақлаш каби фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

Тугатилган корхона ва ташкилотлар

2020 йилнинг январь-март ойларида жами 199 та корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини тугатган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17 тага тугатиш кўпайган.

Тугатилган 199 та корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 22 таси (11,1 %) савдода, саноат ҳамда қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 15 тадан (7,5 %), қурилиш ҳамда ташиш ва сақлашда 5 тадан (2,5 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳамда ахборот ва алоқада 4 тадан (2,1 %), 1 таси (0,5 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда 128 таси (64,2 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, тугатилган корхоналарнинг асосий қисми савдо, саноат ҳамда қишлоқ ва ўрмон хўжалиги фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, ахборот ва алоқа ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар фаолият турларига тўғри келган.

Январь-март ойларида фаолияти тугатилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирликда)

	2019 йил		2020 йил		Фарқи, (+;-)
	сони	жамига нисбатан, %	сони	жамига нисбатан, %	
Жами	182	100,0	199	100,0	17
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	29	15,9	15	7,5	-14
Саноат	23	12,6	15	7,5	-8
Қурилиш	16	8,8	5	2,5	-11
Савдо	40	22,0	22	11,1	-18
Ташиш ва сақлаш	12	6,6	5	2,5	-7
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	14	7,7	4	2,1	-10
Ахборот ва алоқа	2	1,1	4	2,1	6
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	3	1,7	1	0,5	-2
Бошқа фаолият турлари	43	23,6	128	64,2	85

2020 йил январь-март ойларида 77 та кичик тадбиркорлик субъектлари тугатилган. Тугатилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми 22 таси (28,6 %) савдо, саноат ҳамда қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 15 тадан (19,5 %), қурилишда ҳамда ташиш ва сақлашда 5 тадан (6,5 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳамда ахборот ва алоқада 4 тадан (5,2 %), 1 таси (1,3 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар, 6 таси (7,7 %) бошқа фаолият турлари хиссаларига тўғри келган.

Корхона ва ташкилотлар сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

	2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган	2020 йилнинг январь-мартда	
		ташкил топди	тугатилди
Қорақалпоғистон Республикаси	19595	959	199
Нукус ш.	5993	260	16
<i>туманлар:</i>			
Амударё	1428	55	15
Беруний	1632	65	13
Бўзатов	148	28	3
Қонликўл	500	18	10
Қораўзак	573	19	8
Кегейли	526	27	9
Қўнғирот	1049	43	17
Мўйноқ	464	42	2
Нукус	894	68	14
Тахиатош	605	30	5
Тахтакўпир	362	12	4
Тўрткўл	2034	107	25
Хўжайли	945	47	11
Чимбой	736	35	10
Шуманай	480	28	18
Элликқалъа	1226	75	19

**2020 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахсларни
ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимлаш**
(фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз)

	Жами, бирлик	Умумий сонга нисбатан фоиз ҳисобида		Тижорат корхоналари сонида хусусий корхоналар улуши, %
		нотижорат	тижорат	
Қорақалпоғистон Республикаси	19595	18,4	81,6	20,5
Нукус ш.	5993	15,1	84,9	14,5
<i>туманлар:</i>				
Амударё	1428	20,4	79,6	12,5
Беруний	1632	17,5	82,5	30,7
Бўзатов	148	39,9	60,1	4,5
Қонликўл	500	24,6	75,4	33,4
Қораўзак	573	21,8	78,2	12,9
Кегейли	526	26,0	74,0	17,2
Кўнғирот	1049	23,2	76,8	32,1
Мўйноқ	464	20,0	80,0	13,2
Нукус	894	15,7	84,3	9,8
Тахиатош	605	20,7	79,3	31,1
Тахтакўпир	362	30,9	69,1	24,4
Тўрткўл	2034	12,1	87,9	18,6
Хўжайли	945	19,0	81,0	21,2
Чимбой	736	25,5	74,5	20,4
Шуманай	480	24,8	75,2	49,6
Элликқалъа	1226	19,8	80,2	40,1

2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига ташкилий-ҳуқуқий шакллари таснифлагичи бўйича рўйхатдан ўтган тижорат корхоналарнинг умумий сони, бирликда (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари)

	Жами рўйхатдан ўтган	шундан:					
		Масъулияти чекланган жамиятлар	Оилавий корхоналар	Хусусий корхоналар	Унитар корхоналар	Акциядорлик жамиятлари	Бошқалар
Қорақалпоғистон Республикаси	15982	11206	1185	3277	123	27	164
Нукус ш.	5089	4098	215	694	37	10	35
<i>туманлар:</i>							
Амударё	1137	730	253	142	4	1	7
Беруний	1347	825	78	414	5	2	23
Бўзатов	89	75	-	4	1	-	9
Қонликўл	377	190	51	126	3	2	5
Қораўзак	448	371	7	58	4	0	8
Кегейли	389	296	15	67	4	1	6
Қунғирот	806	472	51	259	14	1	9
Мўйноқ	371	303	11	49	3	0	5
Нукус	754	616	50	74	4	1	9
Тахиатош	480	255	62	149	10	2	2
Тахтакўпир	250	144	27	61	6	1	11
Тўрткўл	1788	1271	160	333	9	2	13
Хўжайли	765	512	82	162	6	2	1
Чимбой	548	410	12	112	5	1	8
Шуманай	361	168	11	179	2	0	1
Эликқалъа	983	470	100	394	6	1	12

Кичик корхоналар ва микрофирмалар (бизнес) сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

	1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган		2020 йил январь-мартда		Фарқи (+;-)
	2019 й.	2020 й.	ташиқил топди	туғатилди	

Қорақалпоғистон Республикаси	13491	15897	959	199	2406
Нукус ш.	4519	5058	260	16	539
<i>туманлар:</i>					
Амударё	974	1130	55	15	156
Беруний	1108	1344	65	13	236
Бўзатов	-	88	28	3	88
Қонликўл	315	376	18	10	61
Қораўзак	371	447	19	8	76
Кегейли	364	386	27	9	22
Қўнғирот	735	801	43	17	66
Мўйноқ	242	370	42	2	128
Нукус	572	752	68	14	180
Тахиатош	384	475	30	5	91
Тахтакўпир	196	244	12	4	48
Тўрткўл	1488	1780	107	25	292
Хўжайли	664	760	47	11	96
Чимбой	449	544	35	10	95
Шуманай	298	361	28	18	63
Элликқалъа	812	981	75	19	169

**2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига хорижий капитал иштирокидаги
корхоналар сони, бирликда**

	<i>Жами рўйхатга олинганлари</i>	<i>шу жумладан: фаолият кўрсатаётганлари</i>	<i>Фаолият кўрсатаётганлар жамига нисбатан, фоиз ҳисобида</i>
Қорақалпоғистон Республикаси	162	160	98,6
Нукус ш.	35	35	100,0
<i>туманлар:</i>			
Амударё	6	6	100,0
Беруний	10	10	100,0
Бўзатов	2	2	100,0
Қонликўл	6	6	100,0
Қораўзак	11	11	100,0
Кегейли	8	7	87,5
Кўнғирот	7	7	100,0
Мўйноқ	25	25	100,0
Нукус	10	10	100,0
Тахиатош	11	11	100,0
Тахтақўпир	6	6	100,0
Тўрткўл	4	4	100,0
Хўжайли	4	4	100,0
Чимбой	5	5	100,0
Шуманай	6	5	83,3
Элликқалъа	6	6	100,0

2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига республика бўйича 162 та чет эл инвестициялари киритилган корхоналар рўйхатга олинган бўлиб, шундан 160 таси яъни 98,8 фоизи фаолият юритяпти.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони, бирликда

	Рўйхатга олинганлар	2020 йил январь-мартда	
		ташкил этилганлар	тугатилган
Қорақалпоғистон Республикаси	162	6	-
Нукус ш.	35	1	-
<i>туманлар:</i>			-
Амударё	6	-	-
Беруний	10	-	-
Бўзатов	2	-	-
Қонликўл	6	-	-
Қораўзак	11	-	-
Кегейли	8	-	-
Кўнғирот	7	1	-
Мўйноқ	25	1	-
Нукус	10	-	-
Тахиатош	11	1	-
Тахтақўпир	6	1	-
Тўрткўл	4	-	-
Хўжайли	4	-	-
Чимбой	5	-	-
Шуманай	6	1	-
Элликқалъа	6	-	-